[49] D.Mead. Mind, Self, and Society. Chicago, Un. Press, 1934, Nisbet R. Subjective Si ! Objective No !In Values, objectivity and the Social Science N-Y, 1974.P. Diesing Objectivism and Subjectivism in the Social Science. Phylosophy of Science №3, 1966.

[50]Щедровицкий Г.П. Коммуникация, деятельность, рефлексия. //Исследования речемыслительной деятельности. Алма-Ата, 1974; Татарова Г.Г. Качественные методы в структуре методологии анализа данных. Социология 4М, 2002 №4. В. В. Семенова Введение в гуманистическую социологию М.: Добросвет, 1998; Биографический метод в социологии: История, методология и практика. Редк-я: Мещеркина Е.Ю., Семенова В.В. РАН, ИСИ, 2002; Девятко И. Ф. Методы социологического исследования. М.:КДУ, 2009.

[51]Handbook of Discourse Analysis.Vol.2 Dimensions of Discourse. Ed. By Teun A. Van Dijk. Academy Press.London, N-Y, Tokyo 1985.

[52] Гидденс Э. Трансформация интимности. Спб: Питер, 2004.

[53]Социальная идентификация личности. Рук. В. А. Ядов РАН, ИСИ кн 1,2. 1993-1994; Ядов В.А. И все же умом Россию понять можно. // Россия: трансформирующееся общество. М. , 2001; Тощенко Ж. Т. Парадоксальный человек. М. , 2001; Пути России. Современное интеллектуальное пространство. Школы, направления, поколения. М., Ун-я книга, 2009 XYI; Девятко И.Ф. Социологические теории деятельности и практической рациональности. РАН, ИСИ, «Авантаплюс», 2003.

[54] Giddens A. Central Problem in Social Theory: Action, Structure and Contradiction in Social Analysis, London, 1979; П. Бурдье Практическийсмысл. Пер., М. ,2002; Опыт рефлексивной социологии.//Теоретическая социология. Антология в 2х т. М.:Кн.д.,2002.

[55] Бергер П, Лукман Т. Социальное конструирование реальности. М.,1995; Луман Н. Что происходит? И что за этим кроется? // Теоретическая социология. Антология в 2х т., Т.2.; Рикер П. Конфликт интерпретаций. Очерки о герменевтике. М., Медиум, 1995.

яратди[56].

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда фалсафий рефлексия муаммолари фанларнинг ўзаро таъсири диалектикаси ва билимнинг синтезини ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан тадқиқ этилади[57]. Психологияда рефлексия – бу мураккаб бошқарув жараёнлари бўлиб, маълумотларни қайта ишлаш билан боғлиқ алоҳида руҳий ҳолат саналади[58]. Шунингдек, у онг структурасини ўзгартиради ва инсонни ижод ҳолатига олиб келади. Ўзини ўзи рефлексиялаш йўналишида тадқиқотларни амалга ошириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг (2017-2018 й.) «Талабаларнинг касбий шаклланиши: таълим сифати ва ўқув жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ижтимоий жараёнлар ўзгаришининг концептуал асосларини, ўзини ўзи англаш, ташкиллаштириш ва инсоният руҳий оламида ўз ички «Мен»ини шакллантириш негизида ишлаб чиқиш ва бу жараённинг ўзига хослигини ҳисобга олишда шахснинг ўрни, ҳамда ижтимоий ҳаракатлар мантиғини аниқловчи рефлексив методологияни асослаш ҳамда социологик таҳлилини амалга оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

-илмий ва одатий рефлексия, ўзини ўзи рефлексия қилиш, ижтимоий оқиллик, шахсий диспозиция, фаолиятнинг рефлексив механизмлари, рационаллик турлари ва бошқа таърифларни асослаш;

-субъектлар ҳаёт фаолиятининг ички маънавий ва ташқи функционал динамикасини дифференциация қилувчи концептуал рефлексиянинг назарий-методологик моделини қуриш;

-тафаккурнинг маънавий-амалий, тартибга солувчи таркибий қисми ва социологик тадқиқот методологияси сифатидаги ўзини ўзи рефлексиялаш.

-илмий рефлексиянинг социологик жиҳатларини очиб бериш, бунда: а) ижтимоий ҳаракатларни натижага оид, процессуал нуқтаи назардан таҳлил қилиш; б) фаолият асослари, тузилмаси, шакллари, турлари, бирлаштириш даражаси, мувофиқлаштириш ва келишиш асосларини, шунигдек ижтимоий вазифаларни ҳал этишнинг ментал воситаларини аниқлаш; в) рефлексив изоҳнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳаракат тизимининг самарали механизмини қуришнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш; г) тафаккур ҳолатининг эмпирик индикаторлари, ҳаракатлар моҳияти ва субъектлар тафаккурининг умуммантиқийлиги ва социологик тадқиқотларда уларни тизимлаштириш методологиясини ишлаб чиқишга эътибор қаратиш;

-илмий рефлексия воситалари: шахслараро диалог, дискурс-таҳлил,

---

[56] Леви-Строс К. Структурная антропология. М.: Наука, 1996.

[57]Кушоков Ш.С. Проблемы взаимодействия наук как предмет философской рефлексии. Автореферат дисс. на соискание степени докт. филос. наук Ташкент, 1994.

[58] Рассохин А.В. Рефлексия и внутренний диалог в измененных состояниях сознания. Интерсознание в психоанализе. М., Когито-Центр, 2010. С.44.

маълумотларни интеллектуал таҳлил қилишнинг эмпирик усулларини ишлаб чиқиш ва апробация қилиш.

Тадқиқотнинг объекти - индивидуал ва жамоавий субъектларнинг ўзини ўзи рефлексиялашни ташкиллаштирувчи ва тартибга солувчи ҳамда улар нимани ва қандай танлашларига боғлиқ бўлган онгли ҳаракати.

Тадқиқот предмети: объективлик-субъективлик, реаллик-идеаллик, ижобийлик-салбийлик қутблари ва бошқалар ўртасидаги билимларнинг релевант объектларини аниқлашнинг билишга оид вазифаларини ҳал этиш сифатидаги методологик ўзини ўзи рефлексиялаш, субъектларнинг ҳаракатланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Мазкур диссертацияда социологик тадқиқотлар амалиётида янгилик бўлган, ушбу тадқиқот учун махсус мўлжаланган диалог, дискурс таҳлил ва интеллектуал усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзини ўзи рефлексиялаш социологиянинг назарий-методологик концепцияси ва аҳоли турли табақалари вакиллари томонидан амалга ошириладиган ижтимоий, интеллектуал ҳатти-ҳаракатларнинг маънавий-ахлоқий омили эканлиги асосланган;

ижтимоий, сиёсий, маънавий-ахлоқий муаммоларни социологик тадқиқ этишда математик моделлаштириш усулини қўллаш репрезентативлик, валентлик (ишончлилик)ни таъминлаш, натижаларини синтезлаш методлари самарадорлигини ошириши асосланган;

ўзини ўзи рефлексиялаш инсон капиталини фаоллаштириши ва шахснинг бунёдкорлик салоҳиятини оширишнинг маънавий омили эканлиги асосланган;

тафаккурни тизимли таҳлил қилувчи интеграл-дифференциал ёндашув назариясини ўзини ўзи рефлексиялаш билан уйғунлаштириб қўллаш воқеликни маънавий идрок этиш, шахснинг социал диспозицияси, ижтимоий мўлжаллари ва ҳаракатлари жараёнларини фаоллаштириши асосланган;

аҳоли турли табақа вакилларининг қадриятларга мансублик ва уларга боғланганлик даражасини миқдорий кўрсаткичлар орқали ифодалаш амалиётининг жорий этилиши уларнинг ўзини ўзи рефлексиялаш ҳолатини ижобийлаштириши асосланган;

«социал ва индивидуал рефлексия», «илмий рефлексия», «рефлексив методология» тушунчалари социологик атамалар сифатида жорий этилиб, воқеликка рационал ёндашувдан ўзини ўзи рефлексиялаш орқали трансформацияланиш жараёни социологик тавсифланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси.

Ўзини ўзи рефлексиялаш методологияси инсонларнинг ички дунёсини ўрганишга, шунингдек, ёшлар кайфиятини мониторинг қилишга имкон берувчи интеллектуал ҳамда диалог, дискурс таҳлил каби ўзига хос услублар апробациядан ўтказилган; рефлексив технология: ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда ягона тилни яратиш орқали бизнес ва маданият, ахлоқ ва мақсад, эркинлик ва масъулият орасидаги индивидуал муваффақият сирини аниқлаш ҳамда ёшлар билан ишлаш ва машғулотларни олиб бориш методларини янада

такомилаштиришда шахсий ва малакавий тренингларни яратиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, ўтказилган социологик сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация социология фанининг назарий-методологик ривожида муҳим аҳамият касб этади. Унда, ҳозирда жамият тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор категория ва тушунчалар ишлаб чиқилган. Улар қўйдагилар:«ўзини ўзи рефлексиялаш», «оқилоналик», «ички координатларнинг тизими», «маънавий-ахлоқий позиция», «шахс диспозицияси».

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки бошқарув ва ташкиллаштиришнинг самарали технологияларини яратиш, аҳоли билан қайтма мулоқот, ёшлар билан ишлаш ҳамда фуқаролар кайфиятини мониторинг қилишнинг концептуал асосини ишлаб чиқишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Рефлексив социологиянинг субъектив амалий методология хусусиятларини ўрганиш натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида қуйидагиларга эришилди:

Тадқиқот натижалари муаллифнинг ҳориж ва республика нашрларида эълон қилган ишларида акс этган бўлиб, улардан турли тадқиқотчилар 27 та иқтибос келтирганлар[59], етита мақола SCOPUSда чоп этилган. Ушбу иш рефлексив социологиянинг назарий-методологик асоси сифатида, шунингдек диссертацияда аниқланган рационаллик назариясининг ҳаракатлар стратегиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган турлари ва методлари,тафаккурни тизимли-яхлит таҳлил қилиш сифатидаги интеграл-дифференциал ёндашувни маънавий дунёнинг ўзига хослигини инобатга олувчи, шахснинг диспозицияси, оқиллик турлари ва ижтимоий ҳаракатлар мантиқини белгиловчи ҳолатларини очиб берган. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таҳлил қилишда назарий-методологик асос сифатида ҳамда илмий жиҳатдан тизимли таҳлил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 22.01.2019 даги 11/542-сонли маълумотномаси). Диссертациянинг илмий янгилиги ҳисобланган дискурс-таҳлил, ўзи билан суҳбат қуриш усули, маълумотларни таҳлил қилишнинг интеллектуал усулларини ишлаб чиқиш ва апробация қилиш, таққослаш, оқиллик, уйғунлик, даражани илмий рефлексив таҳлилининг объективлигини, комплекслигини таъминловчи воситалари сифатида ишлаб

[59]Қаранг www.googlescolar. Googleacademia

чиқиш ҳамда илмий жиҳатдан тизимли таҳлил қилиш имконини берган;

- «Yetakchi» ёшлар маркази томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий муаммоларинисоциологик тадқиқ этишда илмий – методологик асос сифатида фойдаланилган («Yetakchi» ёшлар маркази ННТ нинг 16.08.2018даги №020626-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари марказга ёшлар билан иш олиб боришнинг стратегик истиқболини янада чуқурроқ белгилаш имконини яратган;

- дискурс-таҳлил, ўзи билан суҳбат усули респондентларнинг ментал ўзига хосликларини таҳлил қилишнинг интеллектуал усуллари ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Миллий университетининг Ф-4-64 «Интеллектуал таҳлилда объектларнинг умумлашган ўлчамларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш ва асослаш» илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалиётга жорий қилинган (ЎзР ОЎМТВ нинг 17.06.2019 даги №89-04-1215-сонли маълумотномаси). Грант лойиҳаси доирасида математика ва филология факультетлари талабаларининг ментал хусусиятларини таърифлашда миқдорий белгиларнинг барқарорлигини баҳолаш усули (формуласи) ишлаб чиқилган; умумий баҳо асосида ўрганилаётган объектга хос яширин белгиларни аниқлаш усули таклиф қилинган; диалог усулида ўтказилган сўров натижасига кўра талабалар менталитетини дифференциациялаш услубиёти ишлаб чиқилган;

Ахборотлашган жамиятда миллий ўзликни англашда социал зиддиятларга сабаб бўлувчи муаммоларни бартараф этишнинг назарий ва эмпирик жиҳатлари ўрганилган илмий иш сифатида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланишини мониторинг қилиш Мустақил институти амалиётига тадбиқ этилган, натижалардан истиқболли таҳлилий социологик тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 22.01.2019 даги 11/542-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг «Жамоатчилик фикрини ўрганиш сектори» томонидан «Фуқаролик жамиятини шакллантириб боришда ҳуқуқий маданиятнинг ўрни ва роли» мавзусида ўтказилган фокус-гуруҳ тадқиқотларда қўлланилиши рефлексив социологиянинг субъектив амалий методологиясини белгилаб беришда ўз ҳиссасини қўшган;

Рефлексив социологиянинг субъектив - амалий жараёнларни оптималлаштириш, шунингдек халқаро ёшлар фестиваллари, оммавий спорт ва турли маданий тадбирлар ташкил этиш орқали ёшларнинг юз бераётган глобал ўзгаришларга мослашувини таъминлашга оид хулоса ва тавсиялардан «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг тадқиқотларида фойдаланилган («Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2018 йил 9 ноябрдаги 01-16/355-сон маълумотномаси). Натижада, талаба ёшлар, шунингдек, иш билан таъминланмаган, уюшмаган ёшлар ўртасида тарғибот ишлари самарадорлиги таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. 2013 йилда МДУда ўтказилган «Ломоносов ўқишлари», «XXI асрда жамият ва иқтисодий тафаккур: тараққиёт йўллари ва инновациялар» (Воронеж 2013 йил»), каби бешта халқаро ва тўртта республика илмий-амалий конференцияларида

муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Мазкур мавзуда тадқиқотчи томонидан элликдан ортиқ илмий ишлар эълон қилган. Хусусан: бешта илмий монография: иккита Тошкентда, битта Германияда, битта Нью-Йоркда, битта Москвада[60]; ҳорижда 12 та, Ўзбекистонда 11 та мақола чоп эттилган. Шунингдек, тўққизта республика ва ҳориждаги конференцияларда маърузалар эълон қилган; «Социология фан сифатида» маърузалар матни (рус тилида), "Умумий социология»(ўзбек тилида), «Социологияда тизимли ёндашув»(ўзбек ва рус тилларида), «Социология тарихи» (ўзбек тилида) каби 4 та ўқув қўлланма яратган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрта боб, ўн олтита параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, жами 232 бетдан иборат. Ишда 169 та манбадан фойдаланилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисмида қўйилган назарий муаммонинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг услубий йўналишларига мослиги кўрсатилган. Диссертациянинг объекти ва предмети, мақсади, вазифалари, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларни амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар, диссертация таркиби ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Концептуал рефлексивликнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида муаллиф замонавий ғарб назариётчилари П.Бурдье, Э.Гидденс[61] ва бошқаларнинг қарашлари таҳлили асосида рефлексия ва рефлексив социологиянинг таърифини беради. Мазкур ёндашув ўзини ўзи рефлексияни тафаккурнинг барча мажмуини ўз ичига оладиган: ҳиссиётлар, меъёрлар, қадриятлар ҳамда тафаккурни қамраб олувчи ҳаёт модели сифатида бирлаштиради. Бунда объектив алоқалар тарзида, жараёнга мазмун берувчи, ўзаро муносабатлар табиатини белгиловчи алоқалар намоён бўлади.

Дискурснинг бирлашиши[62] ташқи тизими бирлиги координатлар ички тизими бирлиги ва амалиётнинг бўлиб инсоннинг мавжудлиги, ўзига ўзи қайтишини билдиради.

Муаллиф рефлексиянинг илмий ва одатий, ижтимоий ва иқтисодий, гуруҳга оид ва индивидуал ва х.к. турларини ажратиб кўрсатади.

---

[60]«Субъективный метод в социологии» Ташкент, «Университет», 1999. (8 п.л.); «Гуманистическая социология: теория, методология, метод» Ташкент, «Университет», 2010. (14 п.л).; Концептуальная модель рефлексивной социологии М.: Тровант, 2013.(17 п.л.)., «Саморефлексия как теоретико-методологическая проблема социологии» LAMBERT Academic Publishing. Германия, 2014 18 п.л., Dialogue as the Method of Internal and External Spiritual Life Investigation in Sociology. New-York, Science Publishing Grope

[61]БурдьеП. Практическийсмысл. Пер. СПб.: Алетейя. С. 113. Гидденс Э. Трансформация интимности. Спб.: Питер, 2004. – С.118.

[62]Рикер П. Конфликт интерпретаций. Очерки о герменевтике. М.:«Медиум», 1995.

Ижтимоий рефлексия – бу амалий маҳсадларга эришишга қаратилган, ўзгариб бораётган жамиятда ўз-ўзини намоён қилишнинг ментал ва предметга оид воситаларини англашдир.

Илмий рефлексия – бу фаннинг тушунчалари, усуллари, воситаларини билишга оид вазифаларнинг самарадорлиги нуқтаи назаридан англашдир.

Индивидуал рефлексивлик – бу алоҳида шахс ёки гуруҳнинг воқеликни ўзлаштириш қобилияти, тафаккур даражаси ва табиати, ҳаёт фаолияти усулларидир.

Салбий рефлексия - С.Кьеркегорнинг қарашлари бўйича, унинг остида ҳаёт фаолиятини альтернатив, бегоналаштирилган ёки деструктив шаклларига олиб келувчиижтимоийлик[63]. Жамиятга нисбатан салбий бўлган, иррационаллик ва инсонийликнинг парчаланишида, фаолиятнинг ноижтимоий йўналтирилганлигида ифодаланган ўз-ўзини намоён қилиш шаклидир.

Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий муносабатларни субъектларнинг ҳодисаларни англаш жараёнидан ташқари тушуниш мумкин эмас. Шу сабабли ижтимоий рефлексия асосида ўзини ўзи англаш ётади. Агар рефлексия – тафаккур ҳақида фикрлаш бўлса, ўзини ўзи англаш эса – буўзини-ўзи тафаккури ҳақида тафаккур қилишдир. Ўзини ўзи англаш – бу воқеликни маънавий ўзлаштиришнинг барча шаклларини синтез қилувчи ва инсоннинг ўз йўлини белгилаб олишининг интеграл усулини ташкил этувчи элементлар тизимидир.Ўзини ўзи тафаккур қилишдан фарқли равишда *ўзни ўзи англаш (рефлексиялаш)* субъектларнинг тажрибаси ва тафаккур қилиш усулларига, уларнинг асосланишига, ҳаракатлар асоси сифатидаги ташкиллаштирилишига боғлиқ.

Ўзини ўзи англаш ижтимоий амалиётни ўрганишнинг назарий-методологик асоси сифатида унинг бир турли эмаслигини, чекланганлиги, деструктивлигини таҳлил қилиш ва унинг сарҳадларидан чиқиш йўлларини излашни қамраб олади. Бу билан социология бугунги куннинг талабларига жавоб бериш имконига эга бўлади, ижтимоий майдонни ўзлаштириш асосига айланайди ва яратувчи-ўзгартирувчи фан сифатида намоён бўлади. Социологик рефлексия – бу билишга оид фаолиятнинг объектлаштирилган шаклларини аниқ ва яширин жараёнларни аниқлаш, тадқиқот предмети томонидан белгиланган контекстдан кўра кенгроқ контекстда таҳлил қилиш нуқтаи назаридан ўрганиш демакдир[64]. Социологик рефлексиянинг бошқа бир ўзига хос хусусияти унинг объективлик-субъективлик, англанган-англанмаган, рационал-норационал, конструктивлик-деструктивлик каби қутбларининг мавжудлигидир: буларнинг воситаларини ўрганиб чиқиш талаб этади.

Илмий рефлексия – бу фаолиятга оид нотўлиқ маълумотларни изоҳловчи, тушунтириб берувчи ижтимоий ҳаётдаги муаммоларнинг объектив концептуал ечими ҳисобланади. Замонавий жамиятда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маъданий муносабатларнинг модернизацияси амалга оширилмоқда. Ҳаётнинг

---

[63]Гайдукова Г.Т. У истоков. Кьеркегор об иронии. Ницше. Трагедия культуры и культура трагедии. СПб.: Алетейя, 1995. – 38 б.

[64]Қаранг. Бажанов В.А. К вопросу о механизмах саморефлексивности науки. //Проблемы рефлексии в научном познании. – Куйбышев: КГУ, 1983 – С.66.

гуманитар соҳалари: ўз табиатига кўра маънавий ва жисмоний соғломликка йўналтирилган тиббиёт, таълим, санъатнинг коммерциализацияси (тижоратлаштирилиши) инсонларнинг тафаккурига ҳалокатли таъсир кўрсатувчи ўз манфаатини кўзловчи мақсадларга йўналтирилган турли маънавий ҳаракатларнинг вужудга келишини билдиради. Мазкур йўналишларга қаршилик кўрсатиш учун ҳақиқатан ҳам мустаҳкам маънавий асослар зарур. Ижтимоий интеграциянинг мазкур муаммоси қатор жиҳатларга эга:

Биринчиси – бу индивидуал ва жамоавий субъектларнинг ички, маънавий-ахлоқий қарашларини англаш бўлиб, мазкур муаммони ҳал этиш йўлида биринчи қадам ҳисобланади.

Ушбу муаммонинг *иккинчи* жиҳати ривожланишнинг ўзига хос ижтимоий-маданий моделини излаш билан боғлиқ. Ўзбекистонда қабул қилинган «Кучли давлатдан кучли жамиятга сари»[65] дастури мамлакатнинг эволюцион ривожланишига андоза бўлиб хизмат қилади. Мазкур муаммонинг *учинчи* жиҳати шундаки, унда бизнес ва маданият, аҳлоқ ва мақсад, эркинлик ва маъсулият ўртасидаги муносабатлар усулини аниқлаш учун шахснинг «ўзлигига» янгининг қандай кириб бориши, ҳаётий фаолиятига қандай таъсир кўрсатишини таҳлил қилиш зарур ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган муаммонинг *тўртинчи* жиҳати янги муносабатлар, яъни шахснинг «ўзлигига» қандай кириб бориши, мавжуд ҳаёт фаолиятининг амалиётга қандай таъсир кўрсатишини таҳлил қилишдан иборат. Индивидларнинг ҳаракатлари турли хил бўлиб, улар нафақат ақлий фаолият, балки ҳаёт муаммоларини амалий ҳал этиш, онгли танлов сифатидаги хиссиётлар, меъёрлар ва қадриятлар натижасида амалга оширилади.

Ишнинг иккинчи боби **«Социологик тадқиқотларнинг рефлексив методологияси»** тадқиқига бағишланган. Жамиятнинг мураккаблашиб бораётган динамикаси социология олдига ижтимоий ҳаракатларнинг хилма-хиллигини белгилаб берувчи социо-маданий кўп турлиликни ўрганиш вазифасини қўяди. Инсон ҳаётининг энг чуқур қатламларига кириб боришни интеграл-дифференциал ёндашув ёрдамида ўрганиш мумкин.

Интеграл-дифференциал ёндашув субъектлар ҳаётининг моҳиятини ташкил этувчи ҳаракат предметларининг тизимлилиги ва зиддиятли бирлигини, тафаккурнинг мажмуавий яхлитлигини ўрганишни англатади. Тафаккур мавжуд турмушнинг имкониятларидан ошиб кетиши ёки ундан ортда қолиши мумкин. Шу сабабли у ривожланишнинг манбаи бўлиши билан бир қаторда унга тўсиқ ҳам бўлиши кузатилади. Шу боис тафаккурнинг барқарор қатламларини ўзгарувчан, ошкора ва яширин, реал ва идеал, конструктив ва деструктив тузилмаларини дифференциялаш зарур.

Рефлексив методологияда объект сифатида субъект намоён бўлади, у амалий фаолият алгоритмларини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган жараёнлар ва воситалар билан амаллар бажаради. Янги билимни ишлаб чиқиш вазифаси *таҳлилни тўрт даражага* ажратиш йўли билан амалга оширилади: 1)

[65]Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сарию Рисола Ғ.Ғулом нашр. Матбаа иж.уйи. Тошкент, 2017.

индивидуал-шахсий; 2) субъектив-интенционал; 3) субъектив-трансцендент ва 4) объектив-ижтимоий. Дастлабки принцип ижтимоий ҳаётнинг амалиёт субъектларининг фаолияти амалга оширилувчи реал дихотомиялари ва фикрларини қуйидаги тушунчаларда акс эттирилишидан иборат: шахс, лойиҳа, танқидий танлов, баҳолаш, иерархизация, чекловлар, вазифа, ҳал этиш воситалари, ижро, натижа. Биринчи объект – шахснинг ички тузилмаси турли даражадаги тартибга солиш мазмунига эга бўлган адолат, номус, виждон каби алоҳида тушунчаларни таҳлил қилади. Дифференцияланган ёндашув, шунингдек, турли мақсадларда манипуляция ва эксплуатация қилинувчи тузилмаларнинг ажратиб кўрсатилишини англатади.

Операционаллик туфайли ўзаро муносабатларнинг трансцендент (чегаралардан ортиб кетувчи) даражасига ўтади ва субъектлар олдида қуйидаги вазифалар – фаолиятнинг инструментал (жумладан ментал) воситаларни англаш, етказиб бериш ва тузилмалаштириш вазифаси туради. Ш. М. Мирзиёев таъқидлаганидек: структуравий-функционал динамика – бу меҳнат, иқтисодий, молиявий ва бошқа фаолиятларни намоён этиш воситалари, мақсадларни амалга ошириш механизмлари ва усулларидир[66].

Рефлексияни рационалликдан ажратиш зарур, чунки рационаллик – бу мушоҳадага асосланган фикр, рефлексия эса – бу мазкур фаолиятни ҳаракат асосларини аниқлаш демакдир. «Тафаккур қилиш жараёнининг ажратиб турувчи ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг кечиши ушбу жараёнга таъсир кўрсатувчи ташқи алоқалар билан эмас, балки унинг шахсий моҳиятининг мантиғи билан белгиланади»[67].

Субъектив мантиқ рационаллик турини белгилаб беради:одатий, интенционал, амалий, контекстуал рационалликларни кўрсатиш зарур. Одатий рационаллик – бу тафаккурнинг билимлар, дунёқарашининг кенглиги, индивидлар интеллекти кучи билан боғлиқ бўлган мулоҳаза қилиш фаолиятидир.

Амалий рационаллик маданият, мамлакат ёки регионнинг миллий тузуми билан белгиланади. Мазкур тузум ўзининг устун қарашларига, профессионал этика ва рационалаштришнинг ўз ментал воситаларига мувофиқ келади. Рационаллик ижтимоий-маданий жиҳатларга эга. «Ҳар бир маданиятга тафаккур қилишнинг шахсий қонунлари, ҳодисанинг бир кўринишидан иккинчисига ўтишнинг шахсий тафаккур схемалари мавжуд». *Трансцендент (*устун бўлиш, чегарадан чиқиш) каби ҳаракатларда ўзидан ўсиб кетиш учун интилишларни амалга оширувчи аналитик онгни билдиради.

Рационаллик ижтимоий-маданий жиҳатларга эга. «Ҳар бир маданиятга тафаккур қилишнинг шахсий қонунлари, ҳодисанинг бир кўринишидан иккинчисига ўтишнинг шахсий тафаккур схемалари мавжуд». Рационаллик ҳаёт фаолиятининг турли принципларида намён бўлувчи Ғарбий ва Шарқий турлари ажратиб кўрсатилади. Рационалликнинг Ғарбий тури индивидуал маҳсадларга ҳаттоки ажралиш, компетентликни инсоннинг маънавий-аҳлоқий

[66] Мирзиёев Ш. М. https://kun.uz/news/2018/12/28/prezident-murojaatnomasi-toliq-matn
[67]Спиркин А.Г. Сознание и самосознание. М.: Полит.л-ра, 1992. С.87

жиҳатларига нисбатан юқорироқ баҳолаш, янгиликни анъаналардан кўра юқори поғонага қўйиш, жамоага камроқ ҳурмат билан қараш йўли билан бўлса-да, эришишга йўналтирилганлиги билан ифодоланади. Рационалликнинг Шарқий тури бирлаштирувчи табиати, умумий манфаатлар ва маънавий-аҳлоқий қадриятларга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Шундай қилиб, агарҳаракатнинг асосида мавжуд имкониятлардан энг мақбулини танлаш ётса, агар у ижтимоий меъёрлаштирилган, қадриятга оид равишда асосланган бўлса, ижтимоий ривожланишнинг талабларига жавоб берувчи ижтимоий моҳиятга эга бўлса, у рационал (оқилона) ҳисобланади. Мантиқ воқеликнинг объектив алоқаларини акс эттирувчи фикрлар орасида такрорланувчи зарур, аҳамиятли алоқа сифатида ажратиб кўрсатилади.

Рефлексив методологияни мақсади: Реал субъектларни аниқлаш: фаолиятни лойиҳада белгиланган рационаллик, самарадорлик, вазифаларни ҳал этиш изчиллиги мезонларига мувофиқ равишда амалга ошириш; мазкур функционал-белгиланган тартибларнинг амалиёт субъектларининг тажрибасини оқилона ташкиллаштириш усулларига мувофиқлиги, стратегияларни амалга оширишнинг операционал воситалари ва механизмларининг мавжудлиги. инсон ўзини ва дунёни ажратиш, рад этиш, ўхшашлик, экстраполяция ва бошқалар ёрдамида ифодаланиши ва ўзининг танловини мантиқий инвариантни очиб бериш дир. Онгли ҳаракат –бу вазиятдан чиқиб кета олувчи ва уни ўзгартирувчи ҳаракатидир. Мазкур трансцендент босқичда тафаккур индивидуал сарқадларидан чиқиб кетади ва объект қай тарзда маданий, тарихий-долзарб контекстдан чиқиб кетишини, тафаккурнинг«силжиши»қайси томонга йўналади: оид-амалий, маънавий -



1-Расм. Ўзини ўзи рефлексиялаш айлана методологияси

ахлоқий асосларини ишлаб чиқиш томонгами ёки соддалаштириш, деструктивликни кучайтириш, бирлашиш ёки бегоналашув томонга кечаётганлигини ўрганади.

Иккинчи бобнинг учунчи фасли «**Ижтимоий ҳаракатларнинг мантиқий инварианти**»деб номланган фаслида ўзини ўзи рефлексия қилиш методология тафаккур табиатига мувофиқ келганлиги сабабли шахсий тафаккурнинг реал

айлана ҳаракатини такрорловчи чуқур-циклик методология ҳисобланади: объектни дастлабки таърифидан ижтимоий ҳаётнинг реал дихотомиясига, сўнгра фаолиятнинг концептуал синтези ва мантиқий инвариантларини ажратади. Унинг мақсади онгли фаолиятнинг объектив алоқаларини координатлар тизими, шахс диспозициялари, рационаллик турлари ва инсон томонидан ижтимоий вазифаларга эга бўлишнинг шаклланиш босқичлари сифатида очиб бериш ҳисобланади.

Муайян тарзда фикрлар экан, инсон ўзининг ижтимоий-маданий табиати, ўз мазмун-моҳиятининг ички қонунларига бўйсунади. Улар барқарор, инвариант ва ташқи ноаниқликдан қатъий назар, фактларнинг мантиқий тузилмалаштирилишигақарши ҳолда такрорланади. Ҳаракатларнинг мантиқи, баҳолаш ва тушунишнинг маданий анъананинг қайд қилинган қийматлари билан белгиланган интериорлаштирилган схемалар билан ифодаланади. Улар шахснинг бир бутунлигини, унинг маънавий тузилмасини белгилаб берувчи ва *шахс диспозицияси* тушунчасида ифодаланувчи шахсий тафаккурнинг ўзагини ташкил этади.

Инсон ўзини ва дунёни ажратиш, рад этиш, ўхшашлик, экстраполяция ва бошқалар ёрдамида ифодалайди, ўзининг танловини инвариант муносабатлар тузилмасига асос қилиб олади. Меъёрий-қадриятга оид тузилмалар: истак ва ирода, эҳтиёж ва бурч, мақсадга мувофиқлик ва виждон ўртасидаги қарама-қаршиликларни ҳал этиш механизмини белгилаб берувчи асосий омил сифатида намоён бўлади. Концептлар турли хил таърифларнинг синтези бўлганлиги сабабли шахс тузилмасида зарур муносабатларни белгилаб беради ва семантик, меъёрий-қадриятга оид ва рационал тартиб инвариантлари сифатида мавжуд бўлувчи сўз бирикмалари, атамалар, изоҳларда намоён бўлади. Ўзаро биргаликда улар ўзаро муносабат субъектларининг дискурсини ташкил этади. Улар барқарорликка эга ва ўзгаришларга берилувчан эмас, ривожланувчи, иккиланиб туради ва қайсидир лаҳзада янгилик билан алоқа – бифуркация вужудга келади. Жараёнга мазмун тақдим қилувчи мантиқий инвариантини тузилманинг ажратиб кўрсатилиши рационалликнинг турларини табақалаштириш имконини беради, бу эса ўз навбатида тафаккурни бошқариш, эксплуатация қилиш ва уни фалсификация қилишнинг (диний экстремизм) олдини олиш имконини беради. *Онгли ҳаракат – бу вазиятдан чиқиб кета олувчи ва уни ўзгартирувчи ҳаракатдир*. Мазкур трансцендент босқичда тафаккур индивидуал сарҳадларидан чиқиб кетади ва объект қай тарзда маданий, тарихий-долзарб контекстдан чиқиб кетишини, тафаккурнинг «силжиши» қайси йўналишда: предметга оид-амалий, маънавий-ахлоқий

асосларини ишлаб чиқиш томонгами ёки соддалаштириш, деструктивликни кучайтириш томонгами, ривожлантириш ёки бегоналаштириш томонга кечаётганлигини ўрганади.

Ўзини ўзи рефлексия қилиш методологияси одамлар томонидан яратиладиган воқелик қайси дихотомияларда қабул қилиниши, бошдан кечирилиши, англанишини аниқлайди: ижобий-салбий; ҳамкорликда-рақобатда; ризоликда-низода; ассоциацияда-диссоциацияда ва бошқа. Ҳиссий ва меъёрий қадриятга оид ва рационал алоқаларнинг аниқланиши, субъектив тоифалаштириш усулларини ажратиб кўрсатилиши ўзаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи, тартибга солувчи механизм сифатида намоён бўлувчи ҳаракатларнинг тизим ҳосил қилувчи, мантиқий инвариантини ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Ўзини ўзи рефлексия қилиш методология янги ўлчам – «икки хил маъно мантиғи» ёки субъектив дунёни ижтимоий дунё билан солиштирувчи тафаккур «диалогика»сини беради. Агар субъектив мантиқ амалиёт субъектларининг аксиоматизация ва рационализация жараёнларининг таҳлили билан белгиланса, у ҳолда айланма деб номланган тадқиқот мантиғи мазкур маълумотларни даража, қиймат, бир бутунлик, уйғунлик каби мезонларга кўра умумлаштирган ҳолда, кўплаб мантиқларни ва субъектив мантиқ меҳнат ва турга оид фаолиятнинг тафаккурга оид схемалари кўринишида қай тарзда ижтимоий жараёнларга кириб боришини очиб беради.

Ишнинг учинчи боби **«Эмпирик социологик тадқиқотларда индивидуал-гуруҳга оид ёндашувлар»**деб номланган бўлиб, унда индивидул ва социал алоқаларнинг турли типлари таҳлил қилинади. Индивидуал гуруҳга оид ёндашув - муайян шахс ёки гуруҳнинг тафаккур тарзи, алоҳида ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятлари оқибатида юзага келган ходисаларни тушунтиришни англатади. Бу маънода индивидуалликнинг дастлабки манбаси бетакрор «Мен» бўлиб, у шахсий-маънавий эҳтиёжлар муҳитига эга, ўзига хос тафаккур тарзи ва дунёқарашни вужудга келтиради. Индивидуаллик умумийнинг манбаси ва эҳтимоли сифатида изоҳланади. «Бу ҳолатда метод инсондан ташқарида эмас, балки унинг ичида бўлган ҳақиқатга яқинлашади»[68]. Индивидуал-гуруҳга оид ёндашув индивиднинг жамият билан тизимли ўзаро муносабатларининг хилма-хиллигини очиб беришга интилади. Ҳар бир инсоннинг ижтимоий ва шахсий ўсишининг ўз суръати, ўз йўналиши, унинг ўз билимлари, қобилиятлари ва шахсий хислатлари мавжуд. Инсон доимий равишда ўзининг реал Менини идеали билан солиштиради, ўзини-ўзи тушуниш, ўзини-ўзи баҳолаш ва ўзига бўлган муносабатга оид ички фаолиятни амалга оширади. Бунинг натижасида жамият ҳаётининг индивидуаллаштирилиши содир бўлади, шахс диспозициялари шаклланади. Шахс диспозицияси инсоннинг индивидуал хислатларини ифодалаган ҳолда, ижтимоий муносабатларнинг интенционал даражасига ўтишини белгилаб беради. Мазкур муаммонинг ҳал этилиши икки кўринишга эга. Биринчиси, шахсий манфаатни ижтимоий тизим талаблари билан бирлаштириш,

[68]Спиркин А.Г. Сознание и самосознание. М., Полит. л-ра, 1992. С.87.

иккинчиси, шахснинг маънавий-ҳаётий қарашларини шакллантириш билан боғлиқ. Аниқ индивидларнинг фаолияти ҳар доим объектив қарама-қаршиликлар намоён бўлишининг мавжуд шакли сифатида ифодаланади ва тафаккурнинг ички ва ташқи детерминацияси ўртасидаги танловда ўз аксини топади. Шахсга оид маъно – бу реаллик қийматининг инсон ички ҳаётий дунёси билан алоқаси демакдир.

Ўзини ўзи амалга ошириш жараёнлари иккиламчи (учламчи) стандартларга дуч келадиган бўлса шахснинг «парчаланиши», ўз фаолиятининг яхлитлигини йўқотиши содир бўлади. Бузилиб кетган жамиятда бурч, виждон ва адолатга қарши қарорлар қабул қилишга мажбур бўлган инсон ички уйғунлиги ва сермаҳсул фаолият қобилиятини йўқотиши мумкин. Шахснинг дезинтеграцияси содир бўлади, бу эса, ўз навбатида, ноижтимоий ҳаракатларга олиб келади. Менталитетни шахс, жамият ёки миллатнинг ижтимоий ўзаро муносабатлари шаклини белгилаб берувчи ўзига хос маънавий аппарат сифатида таърифлаш мумкин. Шу сабабли ўзида таҳлилнинг уч турини қамраб олувчи шахсий-гуруҳга оид ёндашув зарур: 1) ҳиссий-образли (ички дунё ҳолати); 2) семантик (моҳиятга оид-ҳаётий қарашлар) ва 3) мантиқий (тафаккур асослари ва усуллари). Бунинг натижасида статистик усулларни қўллаш етарли эмас, бундай ҳолатда онгли ҳаракатларнинг координаталарнинг муайян тизими элементлари сифатидаги барқарор инвариантларини ажратиб кўрсатиш имконига эга бўлган усуллар зарур. Контекстуал-дискурсив таҳлил ана шундай усуллардан бири. Кўп ҳолларда муайян бир шароитда ижобий бўлган инсоний ҳаракатлар бошқа жиҳатдан салбий маъно касб этиши мумкин.

Контекстуал-дискурсив ёндашув асосида Т.Ван Дейкнинг когнитив назарияси ётади, у муайян нутқий вазиятда маълумотни қабул қилиш иерархик равишда тузилмалаштирилган ва ижтимоий тузилмалар атамалари ёрдамида[69] ифодаланиши лозим. Контекст – бу мунозара ёки суҳбат хусусиятига эга бўлган, амалга ошиш жараёнида коммуникатив мақсадларга эришиш стратегияси ишлаб чиқилувчи ижтимоий амалиётдир[70]. Даражаларига кўра фаолият контекстлари ажратиб кўрсатилади. *Дастлабки контекст* – бу ижтимоий ўзаро муносабатларни ишлаб чиқишнинг ижтимоий-маданий моделидир. Айнан у индивидлар ҳаракатини вужудга келадиган муаммоларни ўз схемасига кўра ҳал этишга йўналтиради. Дискурс-таҳлил мазкур вазиятда қўйилган мақсадларга мувофиқ, ҳақиқий ички фикрларни ажратиб кўрсатади. Бунда коммуникатив стандартларни (стереотипларни) тафаккурнинг моҳияти ва асосларини ифодаловчи ўзини ўзи асослашдан ажратиб олиш зарур. Дискурс-таҳлил томонидан ажратиб кўрсатиладиган *иккинчи контекст* индивидларнинг ҳаётий ва шахсий тажрибаси, уларнинг қизиқишлари, меъёрий-қадриятга оид қарашларини аниқлашга йўналтирилган.

Баҳолаш мезонларидан бири, П.Рикернинг фикрига кўра -“ парчаланиши

---

[69]Т.А. Ван Дейк Язык, познание, коммуникация. Сб. М.: Прогресс, 1989.

[70] . Дискурс в лингвистике. Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XXIY. Компьютерная лингвистика. М.: Прогресс, 1989

таҳдидли табиат касб этган дискурс яхлитлиги мезонидир”[71]. Бунда шахс мақсадининг йўқотилиши, маънавий-ахлоқий эътиқодларнинг йўқлиги назарда тутилади. Шахснинг асосини концептуал тузилмалар ташкил этувчи шахсий тафаккур шаклланганидагина етук, деб ҳисоблаш мумкин. Унинг ҳаракатлари маънога, мантиқий кетма-кетликка, манфаатларга ва оппозиция, корреляция, ўхшашлик ёки акс ҳаракат каби муносабатларга киришувчи мақсадга эга бўлади. Бу дискурс-таҳлил томонидан ажратиб кўрсатиладиган *учинчи контекстидир*. Турмуш қарама-қаршиликларини ҳал этар экан инсон ўзаро биргаликда тафаккур дискурсларини ташкил этувчи схемалар, принциплар, моҳиятга оид ҳаётий қарашларни ишлаб чиқади. Субъектнинг атроф- муҳит билан алоқасинингг индивидуал усули дискурслар тафаккур механизми сифатида интеграция, коммуникация ва мақсадга эришиш масалаларини ҳал этиш имконини беради. Дискурслар кўп жиҳатдан ҳодисаларни аввалдан белгилаб беради, улар ҳар бир инсоннинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигининг асоси ҳисобланади. Бу ижтимоий контекстдаги ҳаракатларни таҳлил қилишнинг *тўртинчи жиҳатидир*. Ушбу контекстларнинг ҳар иккиси ҳам зарур, бироқ уларнинг ҳар бири алоҳида олинганда тўлиқ аҳамият касб этмайди. Танлаш имкониятларининг якунланиши шахснинг инқирозига олиб келади, ижтимоий динамиканинг одамларнинг аҳамиятли жиҳатларига қарама-қарши қўйилиши ўзини-ўзи англашнинг салбийлигига сабаб бўлади. Бу ҳаракатни контекстуал таҳлил қилишнинг *бешинчи жиҳати ҳисобланади*.

Мазкур диссертация ишида ижтимоий ҳаёт *дихотомияларининг рефлексив кўрсаткичлари* ҳам ишлаб чиқилади. Тафаккурнинг реал антиномияларини аниқлаш учун шахснинг ички, коммуникатив, интенционал ва фаолиятга оид кўрсатқичларини ишлаб чиқиш муҳим. Мувофиқ равишда таффакурнинг реал антиномияларини аниқлаш учун кўрсаткичларнинг тўртта тури зарур: 1) маданий ўзига хослик; 2) интеграция қарама-қаршиликлари; 3) онгли ҳаракатларнинг яхлитлиги; 4) ҳаракатларнинг мантиқий инвариантлари.

1. *Маданий ўзига хосликнинг кўрсаткичлари* ижтимоий ҳаракатларнинг тузилмалаштирилишининг дастлабки нуқтаси бўлиб хизмат қилади. Ўз йўлини аниқлаб олиш, ўзини излаш, «Мен»ини очиш интроспектив-индувидуалистик ҳисобланади, бироқ унинг моҳияти аниқ ижтимоий ва дунёқарашга оид моҳиятга эга[72]. Онгли фаолият механизми тафаккурнинг доимий равишда ички «Мен»ва ташқи «Мен»га, ҳақиқий «Мен»ва тасаввурдаги «Мен»га[73], исталган «Мен»ва исталмаган «Мен»га ва ҳоказоларга ажралиши билан ифодаланади. Шахснинг ички кўрсаткичлари: мувозанатлаштирилганлик даражаси, маънавий дунё ҳолати, қарашлар, фикрлар, мақсадларнинг шаклланганлик даражалари: оилага, жамоага, ўзига, қадриятларга барқарор ижтимоий-маданий йўналишларда ифодаланади ва одамларнинг онгли фаолиятини тузилмалаштиришнинг дастлабки асоси сифатида хизмат қилади.

---

[71]Рикер П. Конфликт интерпретаций. Очерки по герменевтике. М.: Медиум, 1995. С.30.
[72] См. Кон И. С. В поисках себя. М. ,1984. С. 87.
[73]Дж. Мид Интернализированные другие и самость. // Американская социологическая мысль. Тексты. Под ред. Добренькова В.И. М.: МГУ, 1996. С. 222.

2. *Интеграция қарама-қаршиликлари кўрсаткичлари* Бу ички маънавият фаолият билан бирлашганлиги кўрсатқичи дир. Бир жамиятда муҳим бўлган нарса, бошқа жамиятдаги афзалликлар иерархиясида паст вазиятни эгаллаб туради. Кўрсаткичлар анъанавийлик ва янгиликларни, ички ва ташқи, умумий ва шахсийни бирлаштиришнинг тафаккурга оид воситаларини излаш, турмуш, ўқув, профессионал ва бошқа фаолиятларнинг мақбул кўринишларини шакллантириш сифатида тузилмалаштирилади. Интеграциянинг тафаккурга оид воситаларини ажратиб кўрсатиш асосида тафаккурнинг «силжиш» - бифуркация йўналиши аниқланади: кенгайтириш-торайтириш, эскиликни янгиликни ёқловчи, конструктивлик-деструктивлик, ижобийлик-салбийлик.

3. *Онг ва ҳаракат бир бутунликнинг синтезловчи кўрсаткичлар.* Ҳар бир индивид нафақат ривожланиш ва ўз мақсадига эришишга интилади, балки жамиятда ўзини намоён қилиш, турмушида маъно касб этишнинг экзистенциал муаммосини ҳал этади. Бу интеграциялар инсоннинг узоқлашиш ривожланиб бораётган қобилиятларини: мувозанат-номувозанат; яхлитлик-бегоналик; аниқ мақсадга йўналтирилганлик ўз йўлини йўқотиб қўйиш; самарадорлик-бесамарадорлик, маҳсулдорлик-маҳсулсизлик; креативлик-инертлик ва бошқаларни амалга ошириш даражаси ва шакли кўрсаткичлари дир.

Бунда асосий кўрсаткичлар: ҳиссиётлар, фикрлар, қарашлар ва мақсадларнинг маънавий бирлиги сифатидаги концептларнинг барқарор, ноаниқ тузилмаларнинг синтетик кўрсаткичлари ҳисобланади.

4. *Ҳаракатлар мантиқий инвариантларининг комбинацияланган кўрсаткичлари.* Кўрсаткичлар ички Мен ва индивидларнинг ижтимоий тажрибасига қамраб олинган, тасаввурдаги оппонент билан суҳбат сифатида қурилади. Кўрсаткичлар қуйидагилар ўртасидаги қарама-қаршиликларни танлашга кўра қурилади: ҳаракат/кутиш; ўзига/бошқаларга таяниш; ҳаракатсизлик/фаоллик ва бошқ. Мазкур кўрсаткичлар ёрдамида субъектлар ҳаракатининг координаталари ҳамда ҳаёт фаолиятида муваффқиятларнинг индивидуал формулалари очиб берилади. Бирлари учун – бу касбий, интеллектуал, маънавий ўсиш, бошқалар учун – бу анъанавий, синовдан ўтказилган шакллардаги ҳаракат, яна бошқа бирлари учун эса – инқироз, яъни шахснинг лаёқатсизлиги ҳалокати томон ҳаракатидир.

Шу тарзда онгнинг ҳаракатлар билан реал алоқалари очиб берилади, мантиқий мазмунига оид инвариант белгиланади[74].

Диссертациянинг тўртинчи бобида *ижтимоий тажрибанинг рефлексив технологиялари* муаммоси хусусида сўз юритилади. Бу шахсий ва касбий ўсишнинг «онгли технологиялари» деб номланади. Замонавий технологияларнинг ўзига хос хусусияти ўзини ўзи ташкиллаштириш, ижод, ўзини ўзи бошқариш, яъни ўзини ўзи англаш қобилиятига эга бўлган воситаларни яратиш ҳисобланади. *Рефлексив технологиялар деб, фаолиятнинг когнитив ва аффектив соҳалари сарҳадларидан чиқиб кетувчи, илмий маълумотни индивидларнинг амалий маънавий-ҳаётий вазиятлар билан бирлаштирувчи технологияларни айтиш мумкин*.

[74]Бурдье П. Практический смысл. М.: СПб, 2001. С.180.

Улар ҳаётни таъминлаш ва ривожланиш жараёнига маънавий соғломлик, инсоннинг ҳаёт мазмуни ва қадр қиммати категорияларни киритади. Замонавий илмий рефлексиянинг воситалари, яъни рағбатлантириш ва дискурс-таҳлил усули ёрдамида амалга оширилади.

Суҳбат (диалог) метод сифатида мақсадлар, воситалар, тушуниш, мантиқ каби турли тартибли омилларни ягона тизимга бирлаштиради. Бахтиннинг таъкидлашича, суҳбат (диалог) – бу мазмун ва қийматга эга бўлган барча нарсаларни, яъни инсон нутқи, муносабатлари ва умуман, ҳаётни акс эттирувчи универсал ҳодисадир[75]. Суҳбат – бу ҳаёлий ёки ҳақиқий суҳбатдош билан тўғри (илмий) нуқтаи назарни ишлаб чиқиш (кашф этиш), ҳаракатларнинг мувофиқлиги ва мувозанатига эришиш мақсадида мулоҳазалар алмашиниш демакдир. Суҳбат давомида ўз муаммоларини айтиб берар экан, инсон ўз фикрларига ташқаридан, бир мунча реалистик нуқтаи назардан қараш имконига эга бўлади. Шу сабабли суҳбат англаш усули ва ижтимоий тажриба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Суҳбат усуллари санъати шундан иборатки, ҳар бир мулоҳазада тўлиқ маънони йўқотмаган ҳолда, уни ажратиб кўрсатиш ва бир бутунга боғлаш, инсоннинг субъектив мантиғини тушуниш демакдир. Ўзини ўзи билан диалог ёки ўзини ўзи билан суҳбат инсон ўз қарашларини аниқлаб олиши давомида бутун ҳаётида давомида амалга оширадиган, ўз ҳаракатлари мақсадини аниқлаштириш ёки баҳолаш давомида намоён этадиган ички нутқ диалогик методни туридир.

Ўзини ўзи билан суҳбат усули ёрдамида хитойлик (чет эллик), россиялик (МДУнинг Социология факультети), корейс ва ўзбек, Математика ва Филология (ЎзМУ) факультетларининг талабалари жами 4 миллатга мансуб ва бешта мутахассислик бўйича таҳсил олаётган ёшлардан иборат бўлган саккизта гуруҳ ва ёшлар субмаданиятларининг вакиллари (жами 580 киши) суҳбатдан ўтказилди,.

Олинган маълумотларга кўра, ўзини ўзи англашнинг юқори даражаси ўзбек (51,27) ва корейс (50,18) талабаларида маданий анъананинг кучлилиги ва Ўзбекистонда ўтиш даври мураккабликлари билан боғлиқ. Ўзини ўзи англашнинг нисбатан паст даражаси (45,91) россиялик талабаларда ижтимоий вазифа билан зиддиятга киришувчи маънавий-ҳаётий йўналишлар билан боғлиқ. Ўзини ўзи англашнинг энг паст даражаси (22,83) ва ўртача уйғунлашган (21,90) энг юқори кўрсаткич субмаданиятнинг (46%) гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчи гуруҳида кузатилади. Энг кўп фарқ Тошкентдаги россиялик ва кореялик талабаларда кузатилди.

[75]Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. М., Сов. Россия, 1989.



4.3.1. -Диаграмма олтита гуруҳдаги ёшлар ички дунёсининг ўзиниўзи англаш ва ўртача уйғунлашганлиги ўртасидаги ўзаро муносабат

Биринчиларида бу фундаментал билимларга йўналтирилганлик ва уни татбиқ қилиш соҳаларини тушунмаслик билан боғлиқ, корейс талабаларида эса миллий мансублик ва уларни Ўзбекистонни ватани деб билишлари билан боғлиқ. *Талабаларда менталитетни ва субмаданиятли ёшлар шахсининг диспозициясини тадқиқ қилишда* «*ўзини ўзи билан суҳбат*»методи қўлланилади. Тафаккурни ҳаётнинг ўрганилаётган даври кесимининг ижтимоий тажрибасига қамраб олинган реал таркибий қисмларининг моҳиятини очиб бериш йўли билан «қайта тузилмалаштириш» мумкин. Шахсий диалог усули менталитет ва ёшлар гуруҳи шахсининг диспозицияларини ўрганишда синовдан ўтган. Бунинг учун «ўзини ўзи билан суҳбат» принципига кўра сўровнома ишлаб чиқилди, мазкур сўровномада саволлар ўзига йўналтирилган ва якунланмаган гаплар кўринишидаги жавоблар тарзида шакллантирилган[76]. Менталитетнинг фарқи барча даржаларда кузатилади.

1. Рус, хитой, ўзбек, корейс миллатига мансуб талабалар гуруҳининг ҳиссий хусусиятлари

4.3.1.- жадвалга кўра хусусиятлари энг юқори ҳиссиётларни россиялик (Москвада) ва корейс (Тошкентда) талабалари бошидан кечирадилар. Россияликларда бу қийинчиликларга дуч келгандаги ҳиссий-психологик қатъият, чунки уларнинг кўпчилиги (60,0) босим остидаги қатъиятни ҳис қиладилар, корейс талабаларида эса - бу Ўзбекистонда Ватан ҳиссининг йўқолганлиги билан боғлиқ бўлган миллий тегишлилик ҳиссидир.

2.Меъёрийқадр-қимматга доир хусусиятлар тартиби.

Талабалар менталитети ўртасидаги энг катта фарқ асосан ўз-ўзини баҳолашни ташкил этувчи меъёрий-қадр қимматга доир хусусиятларда

[76]Климова С.Г. Возможности методики неоконченных предложений для изучения социальной идентификации. //Социология идентификации личности. М., ИС РАН, 1995. С.71.

4.3.1-жадвал

Хитой, россия, ўзбек ва корейс гуруҳлари талабаларининг маънавий-аҳлоқий қарашлари ва рефлексия даражаси кўрсаткичлари

Даражалар	Россияликлар	Хитойликлар	Ўзбеклар	Корейслар
Хиссиётлар				
Юқори	60,00	11,25	56,00	67,00
Ўртача	2,50	20,00	11,00	1,00
Паст	23,75	48,75	29,00	27,00
Меъёрлар				
Юқори	52,50	24,17	62,67	58,67
Ўртача	10,00	15,83	17,33	20,67
Паст	28,33	54,17	20,00	17,33
Баҳолаш:				
Юқори	56,25	38,75	54,00	49,00
Ўртача	20,00	43,75	34,00	44,00
Паст	11,25	17,50	9,00	4,00
Ўз-ўзини баҳолаш:				
Юқори	21,67	71,67	37,33	34,00
Ўртача	16,67	8,33	7,33	8,67
Паст	52,50	27,50	47,33	47,33
Рационаллик турлари:				
Юқори	50,00	20,00	44,00	42,00
Ўртача	32,50	50,00	38,00	40,00
Паст	10,00	10,00	16,00	18,00

кузатилади. Жадвалдан кўриниб турибдики, ўзига энг юқори баҳо бериш гарчи қийинчиликларга дуч келганда қўрқув ва ўзига ўзи ачиниш ҳиссини бошдан кечирсалар-да, бироқ ўзларига бўлган ишончни йўқотмайдиган хитойлик талабаларда кузатилади (71, 67). Ўз ҳиссиётларини яхши бошқара оладиган россиялик талабаларнинг эса (21,67) ўзларига бўлган ишончни йўқотмайдилар. Хитойлик талабаларда ижтимоий ҳимояланганлик ҳисси юқори, шу сабабли улар ўзларига юқори баҳо берадилар. Қоидаларга амал қилишга йўналтирилган россиялик талабалардан фарқли равишда хитойлик талабалар муваффақиятга эришишнинг ҳар қандай воситаси яхши, деб ҳисоблайдилар (0,68). Ахлоқий жиҳатдан энг етук деб, ўзбек талабаларини ҳисоблаш мумкин. Ўзбек талабаларининг меъёрийлиги Ўзбекистонда маданий анъанани тартибга солувчи вазифаси билан боғлиқ равишда нисбатан камроқ рамзий табиатга эга бўлади. Юқори меъёрларга амал қилувчиларнинг улуши 62,64ни ташкил қилади.

Қадр-қиммат муносабатларида россиялик талабалар энг юқори ўринларни эгаллаб туради. Уларда маънавий-ахлоқий қадриятларга (56,25) ва фундаментал

билимларни олишга бўлган йўналтирилганлик устун туради. Бу эҳтимол, фундаментал билимга интилиш ва унинг қўлланилиш соҳаларини билмаслик ўртасидаги жиддий қарама-қаршиликка сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, келажакка бўлган ишончсизлик ва ўзига паст баҳо беришни келтириб чиқаради (52,50), чунки улар ўзларидаги мавжуд бўлган чапдастлик ва айёрлик муваффақият келтиради, деб ҳисоблайдилар. Хитойлик талабаларда эса энг олий қадриятлар қатъийятлилик ва меҳнатсеварлик ҳисобланади.

3. Рационаллик турлари

Жадвалдан кўриниб турибдики, рационалликнинг энг юқори даражаси россиялик талабаларга хосдир. Улар учун тафаккурнинг рационал-мантиқий усулининг устунлиги хос, айни вақтда талабаларнинг бошқа гуруҳларида меъёрий-қадри-қимматга оид тафаккур устунликка эга. Статистик-математик усуллар 4 миллатга мансуб бўлган ёшлар гуруҳлари менталитетининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берди. Фаолиятни белгилаб берувчи фикрлаш жараёнларини қайта қуриш учун энг янги технологиялар – турли сифатга эга бўлган маълумотларни синтез қилиш ва қонуний алоқаларни аниқлашга йўналтирилган маълумотларни таҳлил қилишнинг интеллектуал усуллари қўлланилган.

Интеллектуал усуллар ташқи ижтимоий шароитларнинг ички, мантиқан боғлиқ бўлган концептларга индивидуал фикрлар, кечинмалар ва қарашлар сифатида ўтиш усулларини намоён қилиш имконини беради. Бу каби ёндашувда респондентлар жавобларининг жамики мажмуидан ажратиб олинувчи барқарор, инвариант тузилмалар аниқланади. Барча жавобларнинг бир бутунлигида ўрганилган маълумотлар янги маълумотларни тақдим қилади.

Бизнинг ишимизда индивидлар ижтимоий алоқалар мажмуида ва турли кўринишдаги ижтимоий тузилмаларга қамраб олинганлик даражаси нуқтаи назаридан ўрганилади. Индивидуал-гуруҳга оид ёндашув ҳар бир индивид ҳақидаги кўп қиррали маълумотларни, унинг турли жиҳатлари маъноларига кўра интеграциялашган, миқдорий кўрсаткичларини белгиловчи умумлаштирилган баҳолар асосида акс эттирилиши орқали амалга оширилади.

Проекцияларнинг бирлаштирилиши, устунлиги, ўзаро жойлашувига кўра инсоннинг ички дунёси, унинг моҳияти ва тафаккур қилиш тарзи ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Талабалар гуруҳининг онгли ҳаракатлари мантиқий қонуниятларини излаш мақсадида маконга оид белгиларни тузилмалаштиришнинг математик модели ишлаб чиқилди.

Визуаллаштириш методи ёрдамида текисликдаги 24та ўлчамдаги макон тасвирий олинади. Маълумотлардаги респондентлар ўртасидаги ўзаро фарқ улар орасидаги масофаларнинг яқинлик нисбатига кўра ўрганилди. (1-расмга қаранг).



● ўзбеклар
■ корейслар

4.4.1.-Расм Менталитетни майдонга проекция кўринишида визуал акс эттириш.

1-расмдан кўриниб турибдики, гуруҳларнинг миллий жиҳатларига кўра даставвал икки гуруҳга бўлиниши визуал метод ёрдамида кластерларга кўра менталитетнинг 4 турига ажратилди: G1, G2, G3, G4 (1-расмга қаранг). G1 (38), G4 (24) кластерлари ўзбек ва корейс миллатларига мувофиқ ҳолда талабалар менталитетини акс эттиради. Визуал тарзда улар бир-биридан ниҳоятда узоқ. Кластер G3 (33 та респондент: 12 ўзб. ва 21 кор.) энг кўп қизиқишга эга бўлган алоҳида, аралаш турни қамраб олади, чунки ёшлар тафаккури ўзгаришининг йўналишини кўрсатиб беради. Кластер G2 (5 киши) - корейсларнинг ўзбеклар билан ассимиляцияга киришган алоҳида гуруҳидир.

4.4.1.-жадвал.

Менталитетнинг ўзига хослигига кўра кластерлар таркиби

Кластерлар	Сони		Жами
	ўзбеклар	корейслар	
G1	38	-	38
G2	-	5	5
G3	12	21	33
G4	-	24	24

Инсон ўз онгида 6-7тадан ортиқ белги ва тушунчаларни англаш ҳамда мувофиқлаштирган даражада боғлаш имконига эга эмас, кўпроқ 2-3. Белгиларнинг бу каби миқдори талабаларнинг ажратилган гуруҳларини нафақат эгаллаб турган вазияти, балки ўзаро муносабатларининг ижтимоий контексти ҳақида ҳам фикр юритиш имконини берувчи дискурсларини ифодалайди. Контекстда 3та соҳа кесишади: муҳит, ўзига хос вазиятлар ва субъектив баҳо.

Дискурсларни аниқлаш учун алоҳида ва комбинацияланган белгилар қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланган

$$\lambda_p = \frac{\sum_{i=1}^{2}\sum_{j=1}^{u_p} z_{pj}^{i}\left(z_{pj}^{i}-1\right)}{\sum_{i=1}^{2}|K_i|\left(|K_i|-1\right)} - \frac{\sum_{i=1}^{2}\sum_{j=1}^{u_p} z_{pj}^{i} z_{pj}^{3-i}}{2|K_1||K_2|}, \quad (1)$$

бунда: z_{pj}^{i}, - қийматлар миқдори j- градацияларнинг p-синф белгиларининг $K_i, i=1,2$, u_p- градациялар сони p-белгининг.

Бизнинг ҳолатда (1) формуладаги белги дастлабки икки белгининг комбинацияси кўринишидаги бошланғич вазият ёки латент: яъни, (яшрин холатда) бўлиши мумкин.

Латент белгилар ёрдамида қарор қабул қилиш жараёнини моделлаштириш учун дастлабки белгилар тўплами ажратиб олинади.

4.4.2-жадвал.

G1, G2, G3, G4 кластерлар дискурси

	Белгилар	Фарқлар индекслари (0-1)
G1 (38) Ўзбеклар	Менинг фикримча Ватан - бу мен туғилган жой. Руҳиятим ва маданий тарбиямга кўра менга ўзбекларнинг миллий мансублиги яқинроқ.	0,6851
G4 (24) корейслар	Мен ўз келажагимни Ўзбекистон билан боғлайман, бироқ касбий жиҳатдан ўз йўлимни аниқлашда муаммолар мавжуд.	0,4327
G2 (5) корейслар	Мен зўриқишни ҳис қиламан, тўсиқларга дуч келганда ўзимни қўлга оламан, бироқ озгина хавотир ҳам мавжуд бўлади.	0,1646
G3(33) Корейслар. 21 Ўзб. 12	Мен учун уз миллий мансублигим якин аммо айрим анъаналарни соддалаштириш	0,3395

Ажратиб олинган гуруҳлар дискурсларининг қиёсий таҳлили корейс талабаларининг миллий менталитети уларда хавотирга сабаб бўлувчи ўқиш ва ишлаш масалалари устувор йўналиш эканлиги билан фарқ қилишини кўрсатди. 5 нафар корейс талабасида (G2) миллий мансубликка оид масаладан ташвишланиш кучли, чунки улар ўзбекларга аралашиб кетган, бироқ ҳали ҳам миллий мансубликка оид низоларга дуч келмоқдалар. Корейс талабаларнинг кўп қисми Ўзбекистонда ижтимоийлашишга интиладилар. Ўзбек талабалари менталитетининг ўзига хослиги миллий маданият ва анъаналарга содиқлиги ҳисобланади, бироқ замонавий Ўзбекистонда улар ўз интилишларини амалга оширишда қийинчиликларга дуч келадилар. Шу сабабли иккита қарама-қарши тенденция вужудга келди: 1.Менталитетнинг интернационаллаштирилиши (тилларга, бошқа маданиятларга бўлган қизиқиш); ва 2. кластернинг корейс талабалари каби, ўзбек талабаларида ҳам миллий шахсий тафаккурнинг ўсиб бориши. Охиргиларида бу динга содиқлик билан ифодаланади.

Шундай қилиб, маълумотларни таҳлил қилишнинг интеллектуал методларини қўллаш ёшларнинг тафаккурига чуқур кириб боришга ёрдам беради, миллий менталитетнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ва маънавий-ҳаётий қарашларни аниқлаш имконини яратади. Мантиқий инвариантларни ажратиб кўрсатишга етишмаётган маълумотларни олиш учун

ўрганилаётган предметни тўлиқ акс эттирувчи сўровнома ишлаб чиқилди. Улар ЎзМУнинг (2013) Филология ва Математика факультетларининг 2та гуруҳ талабалари сўровдан ўтказилган 160та жиҳатни қамраб олган. Гуруҳларнинг дастлаб расмий математиклар ва филологлар гуруҳларига ажратилиши визуал тасвирлаш ёрдамида 3 турга табақалаштирилган: G1, G2, G3. Тадқиқотнинг кўрсатишича, менталитетдаги фарқларнинг асосий омили нафақат миллий мансублик, балки ижтимоий келиб чиқиш, машғулот тури, маънавий-аҳлоқий қарашлар ҳамдир (3-жадвал).

4.4.3-жадвал.

G1, G2 ва G3 гуруҳдаги талабалар менталитетининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берувчи жиҳатлар аҳамияти

№	0-1	
1.	0.9333	1. Ижтимоий келиб чиқиши. 2.Ватанга нисбатан ҳиссиётлар.
2.	0.8054	1.Жамоадаги маънавий муҳит: қониқиш – қониқмаслик; хотиржам ишонч – безовталик. Виждон тушунчаларига кўра, маънавий-ахлоқий қарашларга кўра.
3.	0.6710	Ёлғон, виждонсизларча ўзини тутишга нисбатан;иш ва ўқишда мавжуд бўлган қоидалардан қониқиш.
4.	0.5763	Ҳаётдаги интилиши ва дин меъёрларига амал қилишига кўра

Жадвалдан кўриниб турибдики, талабалар тафаккурини белгилаб берган энг жиддий омил ижтимоий келиб чиқиш омили бўлди. G1 - зиёлилар оиласидан чиққан математиклар; G3 – тадбиркорлар ва савдогарлар оилаласидан чиққан филологлар; G2 – зиёлилар, ишчилар, деҳқонлар оилаласидан чиққан аралаш тури. Охиргиларида кўпроқ ватанпарварлик ҳиссиёти устунлик қилади, улар дин меъёрларига амал қиладилар, уларда бурч ҳисси ривожланган. Маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, G2 аралаш кластери G1 ва G3дан маъқулроқдир.

Бироқ G1 математиклар нисбатан ташкиллаштирилган, чунки ишлаш ва ўқишга бўлган эҳтиёжни улар ўзларининг истакларидан ҳам юқори қўядилар. Маънавий-ахлоқий жиҳатдан математиклар нисбатан юқори ўринни эгаллайдилар. Улар адолатни ҳимоя қилиш, ҳақиқатни очиб бериш имконига эга, улар бошқаларга нисбатан кўпроқ виждон азобига тушадилар.

G2 кластерининг аралаш гуруҳи Ўзбекистонда шаклланаётган талабалар турини акс эттиради, деган хулосага келиш мумкин. Интеллектуал усуллар талабалар онгининг ижтимоий рационаллик томон «силжиши» йўналишини аниқлаб бердилар. Кундалик рационалликнинг мезонларидан келиб чиққан ҳолда, уларда фаолиятнинг оптималлаштирилган алгоритми мавжуд, деган хулосага келиш мумкин. Кўрсатилган белгилар мажмуини таҳлил қилиш натижаларига кўра, талабаларнинг ажратиб кўрсатилган гуруҳлар фаолиятининг мантиқий инвариантларини шакллантириш мумкин.

4.4.4.-жадвал

G1 (30 фил., 1 мат), G3 (мат. 31 киши), G2 (арал.:14 мат.ва 13 фил) кластерларининг мантиқий инвариантлари

Белгилар тўплами	Фарқлаш индекслари (0-1)
Зиёлилар, деҳқонлар оилалари ўқишда мавжуд қоидалардан қониққанлар, амалга оширилган ижтимоий сиёсатга розилар, қарашлари – ***муваффақиятгаадолатли йўл билан эришиш.***	G3 (31-мат.).
Тадбиркорлар, савдогарлар, ишчилар оилаларидан бўлган талабалар амалга оширилаётган сиёсатга рози эмаслар, қоидалардан қониқмайдилар, бироқ кўпинча виждон азобидан қийналадилар, қарашлари - ***дин меъёрларига амал қилиш.***	G1(30-фил., 1 мат)
Хизматчи, ишчи, мехнаткашлар оилалари амалдаги сиёсатни кўллаб-кувватлашади, мақсад -жамиятда юқори мақомга эга бўлиш	G2 (арал.: 14 мат., 13 фил.)

Шундай қилиб, кундалик рационалликдан келиб чиққан ҳолда, математикларда образли-мантиқий рационаллик, филологларда эса ўзини ўзи салбий жиҳатдан англаш устун бўлган ҳиссий-вербал рационаллик юқори деган хулосага келиш мумкин. Рационаллик даражаси ҳақидаги саволга аниқлик киритиш учун икки қутб: рационаллик ва иррационаллик қутблари ўртасидаги тизимли, тузилмли функционал ва бошқа жиҳатларни қамраб олувчи объектнинг оптималлаштирилган алгоритми моделини ишлаб чиқиш зарур.

Х У Л О С А

Амалга оширилган тадқиқот асосида рефлексив социологиянинг ишлаб чиқилган концепцияси, рефлексив методология принциплари шакллантирилган, дискурс-тахлил, ўзини ўзи билан диалог, илмий рефлексиянинг воситаси сифатида ишлаб чиқилган. Рефлексив социология онгнинг маънавий–амалий компоненти сифатида ўзини ўзи рефлексия қилишни очиш базасида ишлаб чиқилиб, ижтимоий-маданий ўзини ўзи англаш ва ўзини ишлаб чиқишида ифодаланиб, фаолият натижадорлигини очиш, ўзини англаш ва ўзини ташкил этишнинг ички ошкора ва нозикора жараёнлар ичига киришга қодир дир. Рефлексив социология – фаолиятнинг тўлиқ фактларни изоҳловчи, тушунтирувчи, ижтимоий ҳаёт муаммоларини ечишга қаратилган объектив-концептуал назариядир. У анча юқори, антиномик назариялар даражасини таъминлайди, у эса билимни маданият контекстида қайд этишга, тор праксеология доирасидан чиқишга қодир. Рефлексив социология 3та методологик йуналиши: тасвирлаш, тушунтириш ва тушуниш тизимли –бутун англашида бирлаштириб, кишилар онги ва фаолиятининг ноаниқ қонуний муносабатга киришади.

Бу социологияни ижтимоий жараенлар вариацияларини аниқловчи, таффакур ва ҳаракат тарзининг спецификаси бўйича ижтимоий жараёнларни табақалаштирувчи, субъектлар рационаллигининг асоси, ва типларини аниқлаш, қарор қабул қилиш асосида ётувчи жараёнлар мониторингини амалга оширишига қодир фанга айлантиради. Шу билан бирга, ўзини ўзи рефлексия қилиш ижтимоий-амалий ўрганишнинг назарий-методологик асоси сифатида унинг кўпмаънолиги, чекланганлиги, деструктивлик йулларини таҳлил этишини ўз ичига олади.

Рефлексив технологиялар деганда, фаолиятнинг когнитив ва аффектив соҳалари доирасидан чиқувчи, илмий ахборотни индивидларнинг амалий ҳаётий вазиятлари билан бирлаштирувчилар тушунилади.

Миллий инновацион тизим конструктив алоқадорликни яратишга қаратилган ўзини ўзи англашга асосланган. У касбий фаолият: бошқарув, таълим ва тарбия, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш тузилмасига қамраб олинганда унинг аҳамияти янада ортади. Ички-маънавийлик ва ташқи-функцияларнинг қонуний алоқаларини очиб бериш, индивидуал ҳаётни ижтимоий ҳаёт билан боғлашга, иқтисодий ўсиш, демократиянинг шаклланиши, бошқарувнинг самарадорлиги муаммоларини ҳал этишга, ҳар қандай соҳада муваффақиятга эришиш формуласини ишлаб чиқишга имкон яратади. Бу билан социология замонамиз чақириқларига жавоб бера олиш қобилиятига эга бўлади ва бунедкор тубдан ўзгартирувчи фанга айланади.

SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc 29.12.2018.S23.02 AT THE ACADEMY OF STATE GOVERNANSE
UNDER THE PRESIDENT OF THE REPUBLIK UZBEKISTAN
NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN

UBAIDULLAEVA RAISA TURSUNOVNA

AUTO-REFLECTION AS THE SUBJECT-PRACTICAL METHODOLOGY OF SOCIOLOGY

22.00.01 – Theory, methodology and history of sociology

ABSTRACT OF DISSERTATION OF DOCTOR OF SOCIOLOGY (DSc) ON SOCIOLOGICAL SCIENCES

Tashkent - 2019

The theme of doctor the doctoral dissertation (DSc) is registered under number B2017.3.DSc/Sots7.at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.

Doctoral dissertation has been prepared at National University Uzbekistan.

The abstract of dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian, English (resume) on the website of Scientific Council (www.sies.uz) and "Ziyonet" information portal (www.ziyonet.uz).

Official opponents: **Umarov Absalam Adilovich**
Kushokov Shuhrat Solievich
Mamatov Normurod Mamatovich

Leading organization: **Tashkent State Economical University**

The defense of the dissertation will take place on "__ "_____2019 at ____ the meeting of the Scientific Cauncil No DSc.29.12.2018.S.23.02. at the Academy of State Government under the President of the Republic of Uzbekistan (Adress: 100066 Tashkent city, Islam Karimov street, 45. Phone (71) 232-60-47; fax (71) 239-17-83) e-mail: info@dba.uz at the Academy of State Government under the President at the Republic of Uzbekistan Administrative building ____flor____room

A paper copy of the doctoral dissertation can be assessed at the information resource center of the Academy of State Government under the president of the Republic of Uzbekistan (registered under ---). Adress: 100066 Tashkent city, Islam Karimov street, 45. Phone (71) 232-60-47.

The abstract of dissertation was sent out on"___" _____2019 (mailing report № ____on ____" _____2019.

M.B.Bekmurodov
The chairman of Scientific Council awarding scientific degrees, doctor of sociological sciences, professor

A.Yunusov
The scientific secretary of Scientific Council Awarding scientific degrees, candidate of sociological sciences

Sh.M.Sodiqova
The chairman of Scientific seminar At the scientific council awarding scientific degrees, doctor of sociological sciences, docent

INTRODUCTION (annotation of doctoral dissertation)

The survey goal is to work out reflective sociology, methodology and methods including auto-understanding, auto-organization and the formation of internal Me into the survey as the conceptual grounds for social actions' differentiation

This goal defines following tasks:

The tasks come from the main goal – to discover how the everyday, practical, intentional auto-reflection may be transformed into scientific methodology. For that it is necessary:

-To find grounds for definitions of scientific and everyday reflection; auto-reflection; social rationality; personal dispositions; reflective mechanisms; the types of rationality etc.

-Working out the theory and methodology of reflective differentiating of the internal spiritual and external functional life of subjects;

-Define of the sociological aspects of scientific reflection including 1.the analysis of social actions from the point of effective proceedings; 2. Discover of peculiarity of the basis, structure, forms, types and levels of joining, cooperation and coordination of activity;

-Working out the empirical indicators of consciousness state, of the meaning of actions and multi-logics of the different ways of thinking.

-Working out and approve of the instruments of scientific reflection: auto-dialogue method; discourse – analysis; intellectual analysis data.

The object of the survey is conscious actions of individual and collective subjects organized and regulated by auto-reflection and depended on what choice in life they make.

The subject of the survey – is the methodological auto-reflection as the solution relevant to object tasks between poles: positive – negative; real – ideal; objective – subjective and so on original features of subjects.

The scientific novelty is in theoretical, methodological and methodic solutions forming conceptual unity of auto-reflection as spiritual regulator of one's social actions and as the theory and methodology of sociology. It means:

1. Realization of reflective functions of sociology, which ensure more high, opposite level of theory, discovering the knowledge of subject's cultural specific features and new integral differential type of investigation;

2. Development of social rationality theory, discover forms, methods of everyday thinking;

3. Grounds of the auto-reflection as methodology discovering the variety of social processes and giving methods for solution life problems: optimal way of activity; functional and mental harmony; auto-regulation and so on.

4. Grounds for the integral differential approach as the system analyses of consciousness in unity with actions, discovering of the internal spiritual life, personal dispositions and types of rationality and logics of social actions.

5. Working out of criterions: comparison, optimal, harmony, rationality, level so on and methods: discourse – analyses, auto-dialogue and the most new technologies – intellectual methods analyses data.

Implementation of research results On the basis of the research the conception of reflective sociology, the principles of reflective methodology and the tools of scientific reflection: dialogue method, discourse-analysis method and approved intellectual methods analysis data are worked out. These results are implemented as theoretical and methodological basis of researches conducted by sociology department social sciences faculty of National University of Uzbekistan and researches of the Center of public opinion and others.

To discover the real processes of auto-reflection, which is a practical-oriented means of auto-reproduction in a changing society is important in realizing of "Action strategy" adopted in our state. Because of the object of reflection sociology is the practice subject it deals with the instruments and procedures worked out on in the research. It is important to know in management and other spheres of activity:

1. What dominates in argumentation: emotions, rules, values, reasons?
2. What is the subject's moral, value, rational positions?

On the base of this knowledge the conscious technologies of personal and professional rise are worked out. They are used in teaching and in working with young people at the university.

The social technologies worked out on the base of this research

Dialogue as the instrument of interchange of views with the mental or real company aimed to work out (find) true (scientific) point of view or to achieve cooperation and coordination of one's activity. It is another consciousness technology which is supposed by our president and worked out by researcher as the tool of reflective methodology. In a dialogue talking about problems one can look at himself more realistic and value his reasoning. That's why a dialogue may be an effective method of investigation and social practices. The main goal of dialogue methods is through the relations, described in talk or text to understand the author's circle, to know his position and attitude to events and to discover his personal qualities, his wants and intentions. Another aim of dialogue method is to discover not only expected behavior but that which is counteracted to social goals.

The research of the internal world of 6 young people's gropes: Russian, Chinese, Korean, Uzbek students and 2 gropes of subcultures (drug addicts and normal young people) showed the significance of their internal world's connection with the practical activity. The reflective technologies becomes the means of unite what a person says, what he thinks and acts. Auto-reflection is a real spiritual and practical component of consciousness, expressed in the sense-of-life, socio-cultural self-determination and self-reproduction, a way of finding identity in the world.

Now when the most spheres of social life are renewed it is important to know what feelings, values, norms and ideas are define the people's activity. The ultimate goal of the methodology of auto-reflection is the selection of real logical forms, stable invariants of activity and work optimal strategy of development out.

Publications of research results On the subject of the thesis published 42 scientific papers, including 5 monographs, 4 text books, 11 articles in scientific foreign and 12 in Uzbekistan journals.

The structure and volume of the thesis The thesis consists of an introduction, four chapters, conclusion, list of references and Appendix. The volume of the thesis is 232 pages.

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

Listofpublishedworks

I бўлим (I часть; Ipart)

1. Саморефлексия как методологическая проблема социологии. Монография. Lambert Academic Publishing. 2013. 295 с.
2. Концептуальная модель рефлексивной социологии. Монография. М.: Тровант, 2013. 17 п.л.
3. Dialogue as the method of internal and external spiritual life social investigation New York Science PG 2017 10 п.л.
4. Гуманистическая социология: теория, методология, метод. Монография. Ташкент: Университет, 2010. 14 п.л.
5. Субъективный метод в социологии. Монография. Ташкент: НУУз. 2003. 7,5 п.л.
6. Понятие иррационального в социальном действии. Ташкент: Вестник Национального университета Узбекистана. №1, 2008.- С.15-19. 0,5 п.л.(22.00.02; №7)
7. Диспозиции личности молодых людей субкультурыТашкент, Вестник НУУз, 2011, №2. 0,5.(22.00.02; №7)
8. Интегрально-дифференциальный подход в социологическом исследовании Вестник НУУз Ташкент 2013, №3.- С.17-20. (22.00.02; №7)
9. Прикладные аспекты познания субъективного в социологии. Социальное строительство и управление. Ташкент, 2004.
10. Методологические проблемы социологии общественного мнения Ижтимоий фикр. №2, Ташкент 2017 г. №3. 0,8 печ.л.
11. Вариативность социального развития как проблема саморефлексии Философия и право НУУз Ташкент, 2017 №1. .(22.00.02; №7)
12. Социология как междисциплинарная наука. Общество и управление. Ташкент, 2018 №3.(22.00.02; №5)
13. Рефлексивные технологии профессионального и личностного роста. Ташкент НУУз 2018 № 2/3.(22.00.02; №7)
14. Ометодологии структурирования показателей субъективного. М.:Социологические исследования 2005, №8.-С.62-71. 0,7 п.л. (Scopus 1,059)
15. Сознательное действие как объект социологического исследования.- М.: Вестник РУДН, 2005, №8. 0,7 п.л. (Scopus 0,071)
16. Метод «самодиалога» в исследовании менталитета студентов. - М.: Социологические исследования 2013, №3.- С. 88-95. 1 п.л. (Scopus 1,059)

17. Социокультурные особенности рациональности. М.:Обсерватория культуры. 2012, №1.- С.20-25. 1 п.л. (Scopus 0, 075)

18. Дифференциация менталитета методами интеллектуального анализа данных. //Организация и самоорганизация интеллигенции в современном российском обществе. Центр социологических исследований. Под ред. Тощенко Ж.Т.- М.: РГГУ, 2013. С.400-407. 0,7 п.л.

19. Рефлексивный принцип социологического теоретизирования. М.: Вестник РУДН 2013, №1.- С. 47-57. 0,7 п.л. ((Scopus 0,071)

20. О социальной рациональности и ее типах. М.: Социс, 2013 №11. 0,8 п.л. (Scopus 1,059)

21. Рефлексивные критерии социологического исследования - М.: Вестник РУДН, 2014, №1. 0,8 п.л. ((Scopus 1,071)

22. Американизация или культурный плюрализм? //Ж. Обсерватория культуры, 2014 №1. С. 24- 30. (Scopus 0, 075)

23. Дискурс – анализ в социологическом исследовании. Вестник РУДН, 2014. ((Scopus 0,071)

24. Внутренний мир человека как социологическая проблема. Italian Science Review. 2014, № PP.34-39

25. Гуманитарные технологии формирования гражданского самосознания молодежи. Мат. конф. Бухара, 2010. 0,5 п.л.

26. Инновационное развитие и современные риски молодежи. Ташкент, Материалы конференции. Апрель, 2019.

27. Диалог в деловом общении. Общество и экономическая мысль в XXI веке: пути развития и инновации. Воронеж, 18-25 апреля 2013 г. 0,5 п.л.

28. Рефлексивные технологии профессионального и личностного роста. Межвузовская научно-практическая конференция «Роль гуманитарных и социально-экономических дисциплин в трудоустройстве выпускников вузов и развитии их профессиональной карьеры. М., МАТИ, 15 апреля 2013 г. 0,5 п.л.

II бўлим (II часть; partII)

1. Диалог и дискурс-анализ как инструменты научной рефлексии. Давр тўплами. ТУУз, 2018 № 1. 0,8 п.л.
2. Гуманитарные технологии формирования гражданского самосознания НУУз, 2009. 0,5 п.л.
3. Диалог в деловом общении. Общество и экономическая мысль в XXI веке: пути развития и инновации. Воронеж, 18-25 апреля 2013 г.
4. Индивидуально-групповой подход в социологическом исследовании. Ломоносовские чтения МГУ, апрель, 2013 г.
5. Рефлексивные технологии профессионального и личностного роста. Межвузовская научно-практическая конференция «Роль гуманитарных и социально-экономических дисциплин в трудоустройстве выпускников вузов и развитии их профессиональной карьеры.- М., МАТИ, 15 апреля 2013 г.

6. Проблемы развития субъективного метода в современной социологии. Всероссийская научная конференция: - М.: «Сорокинские чтения» Социологический факультет МГУ. 7-8 декабря 2004.

7. Понятие саморефлексии, методологическое значение. М.: Всероссийская научная конференция: «Сорокинские чтения» 16-17 дек. 2006, МГУ.

8. Интегрально-дифференциальный подход в социологическом исследовании. Вестник Национального университета Узбекистана. Социология. 2013 №2.- С.17-20. 0,5 п.л.

9. Индивидуально-групповой подход в социологическом исследовании. М.: Ломоносовские чтения МГУ, апрель, 2013 г. 0,5 п.л.